

## **Давлат стипендияларига ким лойиқ?**

Институт ректорининг 2018-йил 7-июндаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси ҳамда Беруний, Навоий ва Ислом Каримов Давлат стипендияларига номзодларни саралаш түғрисида"ги 432-А/Ф-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида 2018-йил 14-июндан фанлардан имтиҳонлар бошланди. 14-июн куни Б бино 305-хонада 31 нафар даъвогар талабалар Инглиз тили фанидан имтиҳон топширишди. Имтиҳон низом талабларига асосан Комиссия аъзолари иштирокида очиқлик, ошкоралик принципини ўзига қамраб олган ҳолда тизимли ташкил этилди. Кейинги имтиҳонлар 18-июн куни Бк-01 компьютер хонасида "Информатика ва ахборот технологиялари" фанидан ўтказилади. Фаол бўлинг, азиз талабалар, имкониятни қўлдан бой берманг!



**Институт ёшлар иттифоқи "Ёшлар медиа клуби" раҳбари Улугъбек Манзирбоев  
ахбороти**

**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**